XALQ DEPUTATLARI SHOFIRKON TUMANI KENGASHI
QARORI

Shofirkon tumani, Mustaqillik ko‘chasi, 4-uy. Tel: (365) 502-20-04

2023 - yil 23 - mart VI-75-31-2-41-K/23 Shofirkon tuman hokimligi

Шофиркон тумани маҳаллий бюджетининг йил бошида шаклланган эркин қолдиқ маблағларини йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунининг тегишли моддаларига асосан Халқ депутатлари Шофиркон тумани Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

1. Туман ҳокимининг туман маҳаллий бюджетининг йил бошида шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан иловага мувофиқ маблағлар йўналтириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Туман ҳокими в.в.б Н.Раҳмонов, туман ҳокимлиги молия бўлими (Н.Наимов) билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси талаблари асосида туман маҳаллий бюджетининг тасдиқланган параметрларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришларни киритиш вазифаси топширилсин.

3. Туман бўйича ғазначилик бўлинмаси (Д.Жабборов) ажратиладиган маблағларни белгиланган тартибда “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида мақсадли ишлатилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокими в.в.б Н.Раҳмонов зиммаларига юклатилсин.

5. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Сессия раиси **А.А.Обидов**

Xalq deputatlari Shofirkon tuman
Kengashining
2023 yil 23 martdagi
VI-75-31-2-41-K/23-son qaroriga
1-ilova

Шофиркон туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил бошида шаклланган эркин қолдиқ ҳисобидан йўналтириладиган маблағлар

минг.сўмда

№	Тадбирлар номи	Маблағ олувчи ташкилот номи	Ажратиладиган маблағлар миқдори
1.	"Мирзо Улуғбек ворислари" танлови харажатлари	Ёшлар ишлари Агентлиги туман бўлими	10 000,0
2.	Тиббиёт бирлашмасининг янги очилган қабулхонасига қурилиш материаллари ва кондиционер сотиб олиш харажатлари	Туман Тиббиёт бирлашмаси	30 000,0
	Жами	**ххх**	**40 000,0**